

Сахарлик рўза

09:05 / 31.05.2018 4668

Савол:

Ман мусофир юрта ишлайман, муборак рамазон ойини биринчи кунда ғафлатда қолиб сахарлик нематидан маҳрум бўлдим. Лекин сахарликсиз ният қилиб рўзани адо қилдим. Оғзимни очишдан Аллоҳдан ҳаё қилдим. Бунақа ҳолатда тутган рўзам қабул бўладими?

Жавоб:

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф роҳимаҳуллоҳ:

- Бундан бошқача бўлиши мумкин эмас. Ухлаб қолган одам уйғонганда ниятни қилиб рўзани тутади. Сахарликдан қолибман деб, рўза тутмасликка ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.